

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ҲАҚНАЗАРОВА НИЛУФАР ҚУРАНБОЕВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА МОС  
ПРОГНОЗ ҚИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ЧИРЧИҚ- 2020**

УДК: 378:37.013.42:

371.38(575.1)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Ҳақназарова Нилуфар Қуранбоевна**

Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш жараёнларини ижтимоий-  
иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига мос прогноз қилиш  
методологиясини такомиллаштириш .....3

**Хакназарова Нилуфар Куранбоевна**

Совершенствование методологии прогнозирования процессов подготовки  
кадров в системе высшего образования в соответствии с приоритетными  
направлениями социально-экономического развития.....21

**Khaknazarova Nilufar Kuranboyevna**

Improving the methodology of forecasting the process of personnel training in  
higher education system in accordance with the priority directions of socio-  
economic development.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications.....46

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ҲАҚНАЗАРОВА НИЛУФАР ҚУРАНБОЕВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИГА МОС  
ПРОГНОЗ ҚИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ЧИРЧИҚ- 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.Phd/Ped95 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.cdpi.uz](http://www.cdpi.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бегимкулов Узокбой Шоимкулович**  
педагогика фанлари доктори,  
профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Турсунов Икромжон Ғуламжонович**  
физика-математика фанлари доктори,  
доцент

**Эгамбердиева Нодира Мелибоевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти ҳузуридаги PhD.28.03.2019.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.:(+998)70-712-27-55; факс:(+998)70-712-45-41; e-mail: [chdri-kengash@umail.uz](mailto:chdri-kengash@umail.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.:(+998)70-712-27-55; факс:(+998)70-712-45-41;

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Қ.Мардонов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.Т.Ражабов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, география  
фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)

**Р.А.Эшчанов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги ривожланган давлатлар ўз фаолиятининг турли соҳаларини, шу жумладан, таълим соҳасини ривожлантиришни ҳам тегишли миллий моделлар асосида прогноз қилишган. Ҳар бир мамлакат ўзининг тарихий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда прогнозлаш жараёнига нисбатан ўз ёндашувларини қўллаган ва доимий ўзгариб турадиган шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштирган<sup>1</sup>. Прогнозлашнинг хусусиятлари бугунги кунда иқтисодий ва ижтимоий соҳада дунёда юзага келган тизимларнинг айрим турларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Дунёда кадрлар тайёрлаш жараёнларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига мос прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, прогноз қилиш жараёнида таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқув режалари ва дастурларини қайта кўриб чиқиш, ўқув жараёнида турли инновацион моделларни жорий этиш, профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда мувофиқликни таъминлашга асосий устуворлик берилмоқда. Шунингдек, талабаларнинг сифатли таълимга йўналтирилган мотивациясини фаоллаштириш, таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларининг ўрни ва ролини қайта кўриб чиқиш, таълим ислохотларини амалга ошириш жараёнини минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мос ҳолда прогноз қилиш долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 27 июлидаги ПҚ-3151-сон Қарорида: «Республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш»<sup>2</sup> долзарб вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлашда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 20 апрелдаги

<sup>1</sup> Можаева Л.Г. Современные концепции образования в Западных странах. - М.: ИНИОН, 2007. - 126 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, № ПҚ-3151-сон / <http://www.lex.uz/pages/SearchResult.aspx?f=1&sid>

ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги, 2017 йилнинг 27 июлидаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорлар, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. ”Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини таъминлаш масалалари қатор илмий изланишларда, жумладан, олий таълим тизимида менежмент (У.Ш. Бегимқулов, Я.У. Исмадияров, В.В. Хоменко ва б.), таълим жараёни ривожланишини лойиҳалаштириш (В.З. Юсупов, Н.О. Яковлева, Г. Ильин ва б.), педагог кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш (А.А. Абдуқодиров, Р.Х. Жўраев ва б.), олий таълим тизимида инновациялар (У.Ш. Бегимқулов, Я.У. Исмадияров, А.И. Барановский ва б.), олий таълимда мониторинг (Т.Шоймардонов, Ш.Адашбоев ва б.), педагог кадрларнинг профессионал фаолияти (А.Р. Исянова, Н.В. Кузьмина ва б.), таълимда прогнозлашнинг иқтисодий жиҳатлари (Б.Аваков, И.М. Колесников, М.Г. Шадуев ва б.), таълимда прогнозлашнинг педагогик жиҳатлари (Б.С. Гершунский, Н.И. Калаков, И.А. Ноюмов ва б.), таълимда прогнозлашнинг инновацион жиҳатлари (А.Г. Позднышева, В.Е. Сафонова, А.В. Чулкова ва б.), таълимда прогнозлашнинг ижтимоий жиҳатлари (Д.Л. Безруков, И.В. Бестужев-Лада, И.Н. Дашилбалова ва б.) каби йўналишларда назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ илмий тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, 2016-2018 йилларда Европа Комиссиясининг Эрасмус+ дастурининг 5616-EPP-1-1-UK-EPPKA2-SBNE-SP IMEP: ”Ўзбекистонда олий таълим тизимида таълим жараёнларини модернизациялаш ва интернационализациялаш” мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш истиқболлари асосида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини прогнозлашнинг асосий методологик тамойилларини илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштириш.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни прогнозлашнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш ҳамда кадрлар тайёрлаш жараёнини прогнозлашнинг методик тизими моделини ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш, ўз-ўзини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг самарали менежмент истиқболларини белгилаш педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини прогнозлаш моделига киритилган методологик тамойиллар ҳамда қоидалар самарадорлигини аниқлаш;

олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини самарали прогнозлашга мутахассисларнинг тайёргарлик даражасини ошириш мақсадида ўқув модулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини прогноз қилиш белгиланиб, тажриба-синов ишларига 1149 нафар респондент, хусусан 234 нафар олий таълим муассасаси педагог кадрлари, 257 нафар ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг мутахассислари, 316 нафар талабалар, 342 нафар ўқувчилар жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш истиқболлари асосида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини прогнозлашнинг механизми ва стратегияси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мақсадга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун комплекс равишда маъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фалсафий, психологик-педагогик ва ўқув-методик адабиётлар таҳлили; кузатув, педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш; сўровнома, тест, суҳбат, педагогик эксперимент; тадқиқот натижаларига математик-статистик ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини илмий асослаш ҳамда кадрлар тайёрлаш йўналишларини аниқлашга хизмат қилувчи форсайт марказларини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шароитлари ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантиришнинг педагогик механизмлари такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар узвий боғлиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи “Университет 3.0” концепциясини амалга ошириш бўйича прогнозлаш методик тизими модели ишлаб чиқилган;

олий маълумотли кадрлар тайёрлашни прогнозлашнинг ахборот-методик таъминотини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни прогноз қилишнинг асосий методологик тамойиллари, қоидалари аниқланган ва асослаб берилган ҳамда кадрлар тайёрлашни прогнозлаш методик тизими модели ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари томонидан кадрлар тайёрлашни прогнозлашни амалга ошириш ҳамда истиқболда ушбу жараёни такомиллаштириш учун инструментарийлар мажмуаси (тўртта анкета сўровнома) ишлаб чиқилган ва апробациядан ўтказилган;

олий таълим муассасалари учун прогнозлар режаси тузилмаси ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари таълим мазмунига “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш истиқболлари асосида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини прогноз қилиш” ўқув модули киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация тадқиқотининг назарий-методологик асослари, унга мос даражадаги методлар ва тадқиқот методикалари мажмуасининг, махсус тайёрланган инструментарийларнинг қўлланилиши, танлов гуруҳининг етарлича репрезентативлиги, замонавий математик-статистика усулларининг ишончлилиги ва самарадорлиги ҳамда эмпирик тадқиқот натижаларини тўғри талқин қилиниши билан таъминланган. Шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш математик-статистика методларини самарали қўллашни таъминловчи стандарт дастурий воситаларда амалга оширилганлиги билан ҳам белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш истиқболлари асосида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни прогноз қилишнинг асосий методологик принциплари ҳамда қоидалари такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш истиқболлари асосида кадрлар тайёрлашни прогнозлаштириш методик тизимининг ишлаб чиқилган моделдан олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш истиқболлари асосида олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш жараёнини прогнозлаш” ўқув модули мазмуни мутахассисларни олий таълимда прогнозлашни амалга оширишга тайёрлашнинг қўшимча воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш жараёнларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига мос прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги шаклларда жорий қилинди:

олий таълим муассасаларида ҳудудлар ва соҳаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини илмий асослаш ҳамда кадрлар тайёрлаш йўналишларини аниқлашга хизмат қилувчи форсайт марказларини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шароитларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 30 августдаги 788-сонли буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари йўналишлари ўқув режалари ва малака талабларига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 24 октябрдаги 89-02-2723 сонли маълумотномаси). Натижалар олий таълим тизимида кадрларни тайёрлашни ривожлантиришда ўз-ўзини таъминлашнинг манбаларини ва ресурсларини кенгайтириш учун тамойилларни шакллантиришга хизмат қилган;

ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 247-сонли буйруғи билан тасдиқланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режаларидаги “Педагогик маҳорат ва компетентлик” модули мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 24 октябрдаги 89-02-2723 сонли маълумотномаси). Натижалар инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар узвий боғлиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи “Университет 3.0” концепциясини амалга ошириш бўйича прогнозлаштириш методик тизими моделидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 30 августдаги 788-сонли буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ўқув режасидаги “Таълим тизими менежменти” ҳамда “Университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари” модулларининг мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 24 октябрдаги 89-02-2723 сонли маълумотномаси). Натижалар олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни прогноз қилишнинг асосий методологик тамойиллари, қоидаларини аниқлашга ва асослашга хизмат қилган;

олий маълумотли кадрлар тайёрлашни прогнозлашнинг ахборот-методик таъминотини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича илмий

асосланган тавсиялардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 30 августдаги 788-сонли буйруғи билан тасдиқланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режасидаги “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” ҳамда “Таълим менежерининг инновацион компетентлиги” модуллари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 24 октябрдаги 89-02-2723 сонли маълумотномаси). Натижалар олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини прогноз қилишни такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 саҳифани ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблиги, аҳамияти асосланиб, илмий ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланиши йўналишига мувофиқлиги кўрсатилган, ишлаб чиқилган муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлили келтирилган, диссертация ишининг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқотнинг метод ва методикалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, иш натижаларининг татбиқ этилиши, эълон қилиниши, шунингдек диссертация тадқиқотининг тузилиши ва ҳажмига доир маълумотлар қайд этилган.

Диссертация ишининг **“Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни прогноз қилишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган, биринчи бобида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг инновацион асослари ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, шунингдек, мазкур мураккаб, мажмуавий жараённинг ҳозирги замон тажрибаси ёритиб берилган.

Муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълимнинг асосий мақсади (педагогик, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий ва ҳоказолар) олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни ривожлантиришни прогнозлашнинг миқдор ва сифат жиҳатларини белгилайди. Ушбу мақсадларни ажратиб бўлмайди, улар ўзаро боғлиқ. Прогнозлаш ушбу соҳанинг стратегик вазифаларини ҳал қилиш учун мўлжалланган. Бу фан ва технологияларни ривожлантиришнинг узок

муддатли прогнозларига, ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларга, меҳнат ресурслари сонининг ўзгаришига асосланган бўлиши керак. Олий таълим тизимида прогнозлаш механизми олий таълим муассасалари фаолиятининг турли жиҳатларига мос келадиган турли хил кўрсаткичлар тизимига асосланган бўлиши лозим. Таълим тизими соҳасида илмий прогноз, ўз моҳиятига кўра мураккаб, мажмуавий жараён бўлиб, муайян бир-бирига боғлиқ бўлган методологик тамойилларга (муқобиллик, тизимлилик, мақсадга йўналганлик ва устуворлик, оптималлик, мувозанатлашганлик, узлуксизлик) асосланган бўлиши керак.

Замонавий олий таълим муассасалари бозордаги муносабатлар нуқтаи назаридан ўзига хос ишлаб чиқарувчилар бўлиб, айти пайтда, улар малакали бўлмаган кадрлар бозоридан абитуриентларнинг ва юқори малакали кадрлар бозоридан педагогларнинг истеъмолчилари ҳисобланади. Улар бир вақтнинг ўзида ушбу бозорда ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчилар бўлган ҳолда илмий, интеллектуал маҳсулот бозорида мақсадли фаолият олиб борадилар. Олий таълим тизими турли хил таълим хизматларини тақдим этиб, ижтимоий-иқтисодий таълим умумий яхлитлигининг таркибий қисми сифатида бозор инфратузилмасининг тегишли элементи бўлган ҳолда бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини таъминлайди. Бу хусусиятлар замонавий таълим хизматларини олий таълим тизимининг асосий масхулоти сифатида ифодалайди, унинг сифати нафақат ишлаб чиқарувчилар (олий таълим муассасаси, унинг профессор-ўқитувчилари ва бошқалар), балки шахсий истеъмолчига (тингловчи, талабага) боғлиқ. Шунингдек, олий таълим муассасалари нафақат бирламчи аҳамият касб этувчи таълим хизматларини, балки бошқа кадриятларни ҳам тақдим этадилар. Бунга илмий маҳсулотлар, интеллектуал ютуқ, турли хил инновацияларга эришиш киради.

Прогнозлашнинг замонавий тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўтган асрнинг охирига қадар, ривожланган хорижий давлатлар олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни ривожлантиришни прогнозлаш тарихий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан асосланган миллий моделлар асосида амалга оширилган. Шу билан бирга, прогнозлашнинг ўзига хос хусусиятлари мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб кўрилган бўлиб, улар орасида қуйидаги асосийларини кўрсатиб ўтиш мумкин: АҚШ ва Канада вакиллари бўлган Шимолий Америка тизими; Франция, Германия, Швеция ва Ғарбий Европанинг бошқа давлатлари тегишли бўлган Европа тизими; Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Болгария, Словения ва бошқалар тегишли бўлган Шарқий ва Жанубий Европа тизими; Хитой, Япония, Корея Республикаси ва Жанубий-шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатлар вакили бўлган Осиё тизими ҳисобланади.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, прогнозлашдаги ғарбдаги етакчилардан бири, одатда, АҚШ ҳисобланади. Прогнозлашнинг ишончилигини тўғри таъминлаш, асосланган қарорларни режалаштириш ва амалга ошириш учун Америка прогнозлаш тизими иқтисодиётнинг эришган

ютукларини, математик методларни ва электрон-ҳисоблаш техникаси муваффақиятларини ўзлаштирди. Япониянинг умумдавлат прогнозлаш тизими ўзига хос бўлиб, у биринчи навбатда, бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида ижтимоий-иқтисодий прогнозлар, режалар ва илмий-техник дастурлардан фойдаланишдан иборат. Франциянинг прогнозлаш тизими бозор иқтисодиётининг ўзига хос маҳсулидир. Бугунги кунда Франциядаги ислохотлар натижасида олий таълим тизимининг таркибий қисмида принципиал жиҳатдан янги орган - илмий, маданий ва профессионал вазифаларни амалга оширишга мўлжалланган муассасаларни баҳолаш бўйича кўмита тузилган. Ушбу органга олий таълим тизими олдида кўйилган вазифаларни бажариш, фойдаланиладиган давлат маблағларини сарфлашнинг самарадорлиги, режалаштириш ва ривожланиш прогнози бўйича таълим муассасалари фаолиятини мунтазам баҳолаш топширилган.

Диссертация ишининг **“Иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларни инновацион ривожланиш истиқболлари асосида кадрлар тайёрлашни прогноз қилишнинг методик тизимини моделлаштириш”** деб номланган, иккинчи бобда прогнозлашнинг ахборот таъминоти, метод ва кўрсаткичлари, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш жараёни прогнозини шакллантириш параметрлари очиқ берилиб, шунингдек, кадрлар тайёрлашни баҳолаш ҳам келтириб ўтилган.

Ўтказилган тадқиқотлар олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни прогнозлаштиришни ахборот билан қўллаб-қувватлашнинг бир нечта асосий босқичларини ажратишга имкон беради. Шундай қилиб, биринчи босқич доирасида ички эҳтиёжларнинг умумий қийматини ва ушбу эҳтиёжларни қондириш манбаларини прогноз қилиш тавсия этилади. Иккинчи босқичда бир қатор параметрларга асосланиши керак бўлган олий таълим муассасаси ходимлари сонини ҳисоблаш учун ахборот базасини тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Учинчи босқичда, истиқболли даврда олий таълим муассасаси фаолияти учун моддий-техника базасини ривожлантириш учун прогнозлар ишлаб чиқадиган ахборот маълумотларини тайёрлаш тавсия этилади. Охириги, якуний босқичда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастурлар асосида илмий тадқиқот самарадорлигини прогноз қилишни таъминлаш учун ахборот базаси ишлаб чиқилади.

Прогнозлаш кўрсаткичлари вазифалар ва объектларга қараб, олий таълим тизими фаолиятининг якуний натижалари билан боғлиқ маълумотларни: ўқув йилининг боши ва охирида, талабалар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, бошқа ходимлар сони, моддий-техника базаси ривожланганлиги ва ҳ.кларни ўз ичига олиши мумкин. Прогнозлашдаги кўрсаткичлар мутлақ ва нисбий нуқтаи назардан кўриб чиқилиши керак. Мутлақ кўрсаткичлар олий таълим муассасасининг таълим ва тарбиявий фаолиятининг миқдорий хусусиятларини ифодалайди. Нисбий кўрсаткичлар ушбу жараёнларни муайян базага асосланган ҳолда тавсифлаб, улар ёрдамида

талабалар контингентининг ўсиш суръатларини ёки малакали мутахассислар чиқаришини, моддий-техника базасини ўстиришни аниқлаш мумкин.

Илмий адабиётлар таҳлили, амалиётда, олий таълим муассасасида прогноз қилишда қуйидаги асосий усуллар долзарблигини кўрсатади: эксперт баҳолаш, прогнозли сценарийлар, морфологик таҳлил, моделлаштириш, педагогик таҳлил, ижтимоий-иқтисодий таҳлил, тўғридан-тўри педагогик ва иқтисодий ҳисоблар, тизимли таҳлил ва синтез, иқтисодий ва математик методлар ва бошқалар. Шу билан бирга, экстраполяцион методлар олий таълим соҳасида прогнозлашнинг муҳим воситаси бўлиб, уни кўрсаткичлар тенденцияларини аниқлаш учун амалда қўллаш фойдали бўлади.



Бозор муносабатларидаги мавжуд тенденциялар, рақобатнинг кучайиши, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, йирик замонавий фирма ва корпорацияларнинг амалиёт тажрибаси, уларнинг эришган ютуқлари ва самарадорлиги асосланган бизнес-режанинг ишлаб чиқилиши ва татбиқ этилишига ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Ўз мазмунига кўра, бу ҳам ўзига хос прогнозлаштириш, бунда прогнозлаш объектлари сифатида талаб, ишлаб чиқариш ёки хизмат белгиланади. Бизнинг фикримизча, бундай прогнозлаш режаси олий таълим муассасаси фаолиятида қўлланилиши керак. Истиқболдаги инновацион вазифаларни таҳлил қилиш асосида олий таълим муассасаси даражасида прогнозлаш режаси қуйидаги таркибий бўлимларни назарда тутиши керак: олий таълим муассасасини тавсифловчи асосий маълумотлар; фаолиятнинг асосий йўналишлари ва вазифалари; ўтган давр таҳлиллари; истиқбол учун стратегик вазифалар; ташкилий-методик ишларда янгиликлар; илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари; моддий-техник таъминот; молиявий-иқтисодий фаолият таҳлили ва прогнози; таълим-тарбия ва маданий-маърифий ишларнинг асосий йўналишлари; ижтимоий муаммолар мажмуасини ҳал қилиш.

Тадқиқотларимиз натижасида иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиши йўналишларида кадрлар тайёрлашни прогноз қилиш методик тизими модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Ушбу модель олий таълим муассасалари фаолияти давомида қўлланилиши лозим бўлган прогнозлашнинг юқорида баён этилган ва асосланган жиҳатларини ўз ичига олади.

Таълим хизматлари бозори ривожланишининг истиқболдаги ва асосий тенденцияларини баҳолашга йўналтириб ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики, аниқланган хусусиятлар ва тенденциялар Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқишни хоҳловчи абитуриентлар сони эҳтимолий ўсиши динамикасини намоён қилмоқда. Яқин келажакда Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари илғор педагогик технологияларни фаол тақдим этиш, таълим хизматлари нархларининг мослашувчан тизими ва ўқиш учун чегирмаларни жорий этиш, мактаб, шунингдек, ўрта, ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини имтиҳон натижалари яқунларига асосан ўқишга қабул

**Иқтисодёт соҳалари ва минтақаларни инновацион ривожланиши асосида олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлашни прогноз қилиш методик тизими**



**1-расм. Иқтисодийёт соҳалари ва минтақаларни инновацион ривожланиши йўналишларида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни прогноз қилиш методик тизими модели**

қилиш йўли билан рағбатлантириш каби воситалардан фойдаланган ҳолда ўз контингентлари учун курашишга мажбур бўладилар. Олий таълим муассасаларида кадрларни, шу жумладан илмий ва педагогик кадрларни

тайёрлаш сифатини белгиловчи муаммо соҳани инновацион модернизация қилиш муаммоларини прогнозлашнинг муҳим вазифаларини ўз ичига олади. Кадрлар таркибий қисми ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодий муносабатларнинг биринчи ва энг муҳим элементидир. Айнан илмий-педагогик ходимлар туфайли инновацион йўналтирилган иқтисодиётнинг асоси бўлган янги билимлар қўлга киритилади. Шунинг учун олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тизимининг таркибий қисмларидан бири сифатида қаралиши керак. Прогнозлаш жараёнида унинг энг динамик элементи сифатида илмий-педагогик кадрлар, уларнинг сони, таркиби ва репродукцияси шаклини (интенсив ёки ноинтенсив) кўриш керак.

Дисертация ишининг якуний, учинчи боби **“Иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиши асосида олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини прогноз қилиш истиқболлари”** деб номланган бўлиб, унда олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлашни таъминлаш ва ўз-ўзини таъминлашни ривожлантириш истиқболлари ёритилган. Шунингдек, кадрларни тайёрлашни ривожлантиришнинг самарали менежменти истиқболлари аниқланган, прогнозлашнинг методологик тамойиллари, қодаларининг самаралилиги кўрсатиб ўтилган.

Ўтказилган тадқиқотнинг кўрсатишича, бугунги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида олий таълим тизимида кадрларни тайёрлаш жараёнини ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш улушини қисқартириш ва ўз-ўзини таъминлаш улушини кўпайтириш тенденцияси кузатилади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини ривожлантиришнинг энг муҳим механизмларидан бири пуллик хизматлар кўрсатиш ҳисобланади. Ўзбекистондаги олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, юз бераётган ўзгаришлар пуллик таълим фаолиятининг турли йўналишларини ривожлантиришни рағбатлантириш, турли хил таъминот оқимларини оқилона тартибга солиш ва уни амалиётга татбиқ этиш учун зарур бўлган ташкилий даврни қисқартиришни таъминлайди. Ахборот ресурслари ёрдамида замонавий таълим техноло-гияларини қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароитлар, жумладан, масофали таълим, “Интернет” орқали хизмат кўрсатиш яратилган. Ушбу манбалар олий таълим муассасалари томонидан дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, маълумотлар базалари, ахборот тизимлари ва пуллик таълим фаолиятини бошқаришни тижорат нуқтаи назарида амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, менежмент вазифаларини самарали амалга ошириш учун пуллик таълим хизматлари кўрсатиш сиёсатининг қуйидаги тамойилларига амал қилиш тавсия этилади: олий таълим муассасасининг бевосита бўлинмалари, уларнинг ҳажмини максимал даражада ошириш ва улардан оқилона фойдаланишга қизиқиши; бўлинмалар, шунингдек олий таълим муассасалари ўртасида молиявий муносабатларнинг қабул қилинган алгоритмлари барқарорлиги ва бошқалар.


Ўз-ўзини таъминлашнинг самарали йўналишларини аниқлаш тегишли ҳисоб-китобларни ва ҳисоботларни ташкил этиш учун пуллик таълим хизматларини уларнинг йўналишларига кўра таснифлашни талаб қилади. Ушбу рўйхатнинг асосий ҳолатларига қўйидагиларни киритиш мумкин: маҳаллий ва хорижий талабаларни ўқитиш; магистр ва докторантлар тайёрлаш; иккинчи (кейинги) мутахассислик бўйича ўқитиш; сиртдан ўқитиш; тайёрлов курсларида ўқитиш; абитуриентларни синовдан ўтказиш; ўқув фанлари бўйича маслаҳат бериш; алоҳида фанлардан сабоқ бериш; қайта тайёрлаш ва малака ошириш; ўқув режаларидан ташқари алоҳида фанларнинг чуқур ўрганилиши; қўшимча таълим, шу жумладан, секциялар, клублар, тўғараклар; яқка тартибдаги режалар асосида ўқитиш, шу жумладан, махсус яратилган шароитларда тренинглар ўтказиш; абитуриентларни касбга йўналтириш.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, таълимнинг барқарор юқори сифатини таъминлаш мақсадида ушбу ўзгаришларга тезда жавоб қайтаришни талаб қилиб, бу, ўз навбатида ҳар бир олий таълим муассасаси даражасида сифат менежментида янгича ёндашувларни татбиқ этиш, фаолият ва хизматлар сифатига йўналтирилган тизимли қайта ташкиллаштиришни назарда тутди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бундай ёндашув, одатда, сифатни тўлиқ бошқаришни (Total Quality Management) акс эттиради. Ушбу концепция олий таълим муассасасининг барча тузилмаларини корхона сифатида камраб олади ва унинг барча фаолият шакллари истеъмолчилар, ишчилар ва умуман жамият эҳтиёжларини қондириш даражасини максимал даражада ошириш жараёнида инсон ва моддий-техник ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилади. Бундан ташқари, ушбу концепция ҳар қандай фаолият шаклини ташкил этишда қўлланилиши мумкин ва халқаро тажриба кўрсатганидек, унинг самарадорлигига ҳисса қўшади.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг самарадорлиги ва амалиётга қабул қилиш имкониятини ўрганиш учун тавсия этилган прогнозлашнинг методологик тамойил ва қоидалари (тайёрланган модель) ҳар томонлама баҳолашга йўналтирилган. Олдиндан тайёрланган 15 та саволдан иборат сўровнома асосида эксперт сўрови амалга оширилди. Эксперт сўровида 30 ёшдан 56 ёшгача (ўртача ёши 47,2 ёш) бўлган аҳамиятли педагогик стажга эга (ўртача 16,8 йил), турли олий таълим муассасаларида фаолият юритувчи 234 нафар респондент (52,1 фоизи - 122 киши аёллар, 47,9 фоизи - 112 киши эркаклар) иштирок этди.


Экспертлар билан ўтказилган сўров натижаларининг факторли таҳлилини амалга ошириш орқали учта аҳамиятли фактор аниқланган. Биринчи фактор аҳамиятлилигига кўра 4,5 фактор вазнига эга бўлиб, экспертларнинг, биринчи навбатда прогнозлаш масаласида ёритилган муаммонинг долзарблигига доир жавобларини ўз ичига олган. Иккинчи фактор аҳамиятлилигига кўра 3,9 фактор вазнига эга бўлиб, ишлаб чиқилган





**2-расм. Экспертлар гуруҳининг педагогик фаолият тажрибасига асосланган кўрсаткичлари тавсифи (фоизларда)**

прогнозлашнинг методологик тамойиллари, қоидаларининг олий таълим муассасалари амалиётида қўлланилиши мумкинлиги ва амалий фаолиятга татбиқ этиш учун етарли даражада самаралилиги тўғрисидаги жавобларини қамраб олган. Якуний, учинчи фактор аҳамиятлилигига кўра, 3,8 фактор вазнига эга бўлиб, экспертларнинг таълимда прогнозлаш жараёнининг мураккаблиги, мажмуавийлиги, шунингдек, тузилиши фанлараро тузилмавий характерга эгаллиги тўғрисидаги жавобларини ўз ичига олган (3-расм).



**3- расм. Ишлаб чиқилган прогнозлашнинг методологик тамойиллари, қоидаларининг олий таълим соҳасида самаралилигига доир экспертлар баҳоларининг факторли таҳлили натижалари**

Экспертли сўров натижаларига кўра, иқтисодиёт тармоқлари ва минтақалар иновацион ривожланиши асосида прогнозлаштиришнинг ишлаб чиқилган ва асосланган методологик тамойиллари, қоидалари Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари амалиётига жорий этиш учун

мақбул ва самарали эканлиги тўғрисида хулосага келдик. Бундан ташқари, ижобий эксперт баҳолаш нафақат прогнозлаш учун ишлаб чиқилган ёндашувлар самарадорлигини, балки ушбу жараён ички тузилишининг амалий аҳамиятга эга эканлигини намойиш этади.

## ХУЛОСАЛАР

Диссертация тадқиқоти қуйидаги асосий хулосаларга келиш имконини беради:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг инновацион моделига ўтиш иқтисодий соҳалари ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, малакали кадрларни тайёрлашни ўз вақтида прогноз қилиш муаммосини ўта долзарблаштиради. Ушбу муаммони ҳар томонлама, мажмуавий ёндашув доирасида ҳал қилиш учун асосий методологик қоидаларнинг илмий-назарий асосларини яратиш зарур ва бу олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш жараёнини ва тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни прогноз қилишда янада самарали ёндашувларни қамраб олиши керак.

2. Олий таълим тизимида прогнозлаш механизми олий таълим муассасалари фаолиятининг турли жиҳатларига мос келадиган турли хил кўрсаткичлар тизимида асосланган бўлиши лозим.

3. Олий таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кўриб чиқиш олий таълим соҳасида “прогнослаш” тушунчасининг таърифини шакллантиришга имкон беради. Мазкур тушунча остида реал воқеликни билишнинг илмий тамойиллари, ижтимоий ривожланиш объектив қонунларига асосланган педагогик, ўқув-методик, иқтисодий, кадрлар, ижтимоий ва бошқа истиқболли прогнозларни ишлаб чиқишнинг мураккаб, кўп босқичли жараёнини тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз навбатида, олий таълим соҳасида прогнозлашнинг предмети узоқ муддатли истиқболда таълим муассасаларининг фаолият юритиши мумкин бўлган ҳолатни билиш, уларнинг стратегик ривожланиш қонуниятлари ва методларини тадқиқ этиш ҳисобланади.

4. Ўтказилган тадқиқотлар олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлашни прогнозлашнинг ахборот таъминотини кўп босқичли кетма-кетликда амалга ошириш имкониятини кўрсатиб берди. Шундай қилиб, биринчи босқич доирасида ички эҳтиёжларнинг умумий қийматларини ва ушбу эҳтиёжларни қондириш манбаларини прогноз қилиш тавсия этилади. Иккинчи босқичда бир қатор параметрларга асосланиши керак бўлган олий таълим муассасаси ходимлари сонини ҳисоблаш учун ахборот базасини тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Учинчи босқичда, истиқболли даврда олий таълим муассасаси фаолияти учун моддий-техника базасини ривожлантириш учун прогнозлар ишлаб чиқилган ахборот маълумотларини тайёрлаш тавсия этилади. Охириги, якуний босқичда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган

дастурлар асосида илмий-тадқиқот самарадорлигини прогноз қилишни таъминлаш учун ахборот базаси ишлаб чиқилади.

5. Прогнозлашни илмий асослаш жараёни олий таълим муассасалари фаолияти назарияси ва амалиётига мос бўлган тегишли методларни қўллашни талаб қилади. Шу билан бирга, прогнозлашнинг методологик ёндашувларини амалга оширишга ёрдам берадиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланмасдан тегишли прогнозларни ишлаб чиқиш мумкин эмас. Кўрсаткичларнинг ушбу тизими бирлик, таққослаш, мослашувчанлик, манзиллилик талабларига жавоб бериши, шунингдек, ўлчанадиган бўлиши, прогнозланувчи объектнинг барча жиҳатларини комплекс тавсифлашни таъминлаши ва тегишли объектларни ишлаб чиқаришни ўстириш, натижавийлик ва самаралиликка йўналтириши лозим.

6. Истикболдаги инновацион вазифаларни таҳлил қилиш асосида олий таълим муассасаси даражасида прогнозлаш режаси қуйидаги таркибий бўлимларни назарда тутиши керак: олий таълим муассасасини тавсифловчи асосий маълумотлар; фаолиятнинг асосий йўналишлари ва вазифалари; ўтган давр таҳлиллари; истикбол учун стратегик вазифалар; ташкилий-методик ишларда инновациялар; илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари; моддий-техник таъминот; молиявий-иқтисодий фаолият таҳлили ва прогнози; таълим-тарбия ва маданий-маърифий ишларнинг асосий йўналишлари; ижтимоий муаммолар мажмуасини ҳал қилиш.

7. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида олий таълим тизимида кадрларни тайёрлашни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш улушини қисқартириш ва ўз-ўзини таъминлаш улушини кўпайтириш тенденцияси кузатилмоқда. Олиб борилган тадқиқот натижалари олий таълим тизимида кадрларни тайёрлашни ривожлантиришда ўзини ўзи таъминлашнинг манбаларини ва ресурсларини кенгайтириш учун қуйидаги тамойилларни шакллантириш имконини берди: олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш учун суғурта тизими ва кредит механизмини такомиллаштириш; олий таълим муассасаларига ҳомийлик ва васийликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида қонунчилик базасини такомиллаштириш; таълим тизимининг мулкидан самарали тижорат мақсадида фойдаланишни кенгайтириш, шу асосда марказлаштирилган фондларни ва олий таълим муассасаларини таъминлаш учун захираларни яратиш ишларини жадаллаштириш. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларининг тижорат фаолияти билан шуғулланиши таълим соҳасидаги бошқа, асосий функциялардан устун бўлмаслиги керак.

8. Прогнозлашни ахборот билан таъминлаш, шунингдек, ушбу жараённинг асосий методлари, кўрсаткичлари ва параметрларини танлаш ва асослаш иқтисодёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиши асосида кадрлар тайёрлашни прогнозлаштиришнинг методик тизими моделини ишлаб чиқишга имкон берди. Методик тизим модели умумдавлат ривожланиш стратегияси, прогнозлашни ахборот билан таъминлаш, асосий прогноз тамойиллари, прогнозлашнинг асосий методлари, прогноз

кўрсаткичлари, олий таълим муассасасининг прогнозли режаси каби таркибий тузилма ва босқичлардан иборат этиб шакллантирилди.

Олинган натижалар асосида олий таълим соҳасида прогнозлаштиришнинг ишлаб чиқилган ва асосланган методологик тамойиллари, қоидаларини олий таълим муассасалари амалиётига жорий этиш мақбул ва самарали эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 28.03.2019.Ped.82.01.82.01. ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

---

**ГОЛОВНОЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЦЕНТР ПРИ  
МИНИСТЕРСТВЕ ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ХАКНАЗАРОВА НИЛУФАР КУРАНБОЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ  
ПРОЦЕССОВ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО  
ОБРАЗОВАНИЯ В СООТВЕТСТВИИ С ПРИОРИТЕТНЫМИ  
НАПРАВЛЕНИЯМИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО  
РАЗВИТИЯ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (Phd) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ЧИРЧИК- 2020**

**Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.Phd/Ped95**

Докторская диссертация выполнена в Головном научно - методическом центре.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.chtdpi.uz](http://www.chtdpi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:**

**Бегимкулов Узокбой Шоимкулович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Турсунов Икромжон Гуламжонович**  
доктор физика-математических наук,  
доцент  
**Эгамбердиева Нодира Мелибоевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация**

**Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета Ph.D.28.03.2019.Ped.82.01 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области, по адресу: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом № 104. Тел (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; email: [chdpi\\_kengash@umail.uz](mailto:chdpi_kengash@umail.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирован по № \_\_\_\_\_). (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом № 104. Тел: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41;

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Ш.К.Мардонов**  
председатель Научного  
совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н.,  
профессор

**Ф.Т.Ражабов**  
ученый секретарь Научного  
совета по присуждению  
ученых степеней, доктор  
философии по географическим наукам (Phd)

**Р.А.Эшчанов**  
председатель Научного  
семинара при Научном  
совете по присуждению  
ученых степеней, д.б.н.,  
доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Развитые страны мира прогнозировали совершенствование различных областей своей деятельности, включая образование, на основе соответствующих национальных моделей. Каждая страна приняла свой собственный подход к процессу прогнозирования, принимая во внимание свои исторические и социально-экономические особенности развития и постоянно улучшала их, учитывая постоянно меняющиеся условия. В мире проводится ряд научных исследований по совершенствованию методологии прогнозирования процессов подготовки кадров в соответствии с приоритетными направлениями социально-экономического развития<sup>3</sup>. Особенности прогнозирования рассматриваются в соответствии с некоторыми разновидностями систем экономической и социальной сферы, которые сложились на сегодняшний день в мире.

В частности, приоритет отдается улучшению содержания образования в процессе прогнозирования, пересмотру учебных планов и программ, внедрению различных инновационных моделей в учебный процесс и обеспечению соблюдения новых условий для подготовки и переподготовки профессорско-преподавательского состава. Также важно оживить мотивацию студентов к качественному образованию, пересмотреть место и роль исследовательской деятельности в образовательных учреждениях, прогнозирования процессов подготовки кадров в соответствии с приоритетными направлениями социально-экономического развития регионов признана важной проблемой.

Согласно Постановления Президента Республики Узбекистан от 27 июля 2017 года № ПП-3151 своевременная подготовка высококвалифицированных кадров, требуемых специальностей, отвечающих современным требованиям социально-экономического развития регионов республики в соответствии с потребностями отраслей экономики, формирование содержания высшего образования в соответствии с требованиями программ перспективного развития<sup>4</sup> считается актуальной задачей. При реализации этих задач важно повысить качество подготовки высококвалифицированных кадров для устойчивого социально-экономического развития, а также совершенствование педагогических механизмов развития человеческого капитала на основе требований рынка труда.

Диссертация в определенной степени служит для реализации поставленных задач в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947

---

<sup>3</sup> Можаяева Л.Г. Современные концепции образования в Западных странах. - М.: ИНИОН, 2007. - 126 с

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «[Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)»ги Қарори, № ПҚ-3151-сон / [http: // www.lex.uz /pages/ Search Result.aspx?f=1&sid](http://www.lex.uz/pages/SearchResult.aspx?f=1&sid)

от 7 февраля 2017 года "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан", Постановлений Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года "О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования", № ПП-3151 от 27 июля 2017 года "О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием", Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года и в других нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и техники в Республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Анализ педагогических исследований показывает, что большая часть исследований, проведенных за последнее десятилетие, была, в основном, сосредоточена на изучении различных проблем, в том числе: менеджмент в системе высшего образования (У.Ш.Бегимкулов, Я.У. Исмадияров, В.В. Хоменко и др.), проектирование развития образовательного процесса (В.З. Юсупов, Н.О. Яковлева, Г. Ильин и др.), совершенствование подготовки педагогических кадров (А.А.Абдукадыров, Р.Х. Жураев и др.), инновации в системе высшего образования (У.Ш.Бегимкулов, Я.У.Исмадияров, А.И. Барановский и др.), мониторинг высших образовательных учреждений (Т.Шаймардонов, Ш.Адашбоев и др.), профессиональная деятельность педагогических кадров (У. Бегимкулов, А.Р. Исянова, Н.В. Кузьмина и др.), экономические аспекты прогнозирования в образовании (Б.Аваков, И.М.Колесников, М.Г. Шадуев и др.), педагогические аспекты прогнозирования в образовании (Б.С. Гершунский, Н.И. Калаков, И.А. Ноюмов и др.), инновационные аспекты прогнозирования в образовании (А.Г. Позднышева, В.Е. Сафонова, А.В. Чулкова и др.), социальные аспекты прогнозирования в образовании (Д.Л. Безруков, И.В. Бестужев-Лада, И.Н. Дашибалова и др.).

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.**

